Ушбу сонда:

2 *Масала кўндаланг қўйилади* **АЛДОВ**

3 **ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ**

4 **ЎзКУФК СОВРИНИ УЧУН**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 15 октябр, чоршанба № 161 (1586)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕК СЎМИ - ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА

Шу йил 15 октябрдан Ўзбекистонда жорий халқаро операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилиши расман йўлга қўйилмоқда

Жорий халқаро операциялар деганда нимани тушунмоқ керак?

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси ўринбосари Шуҳрат ТОШМУРОДОВга ана шундай савол билан мурожаат қилди. Унинг айтишича, бундай операциялар қаторига товарлар экспорт-импорти, валюта қийматлари олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, чет элга ва мамлакатимизга фоизлар, дивидендлар ва банк омонатлари, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий операциялар бўйича даромадларни ўтказиш киради.

(Давоми 2-бетда)

Хоразм вилоятидаги «Хонқақоп» масъулияти чекланган жамиятда асосан оловқалб ёшлар меҳнат қилишади. Уларга қулай шарт-шароитлар яратилганлиги, меҳнатлари муносиб равишда қадрланаётганлиги боис иқтисодий кўрсаткичлар юксалиб бормоқда. Ишчи-хизматчилар маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришаяпти.

Суратларда: (чапдан) моҳир тикувчи Раҳматой Ўрмонова; корхона раҳбари Аҳмаджон Ўрунов ҳамда моҳир ишчи Кувондиқ Отажонов маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

ПАХТАКОРНИНГ ҚЎЛИ-ҚАНОТИ

Пахтакор туманидаги 112-автокорхона мавсум давомида 12 минг тонна пахтани қабул пунктлари ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш юзасидан олти юз фермер хўжалиги билан шартнома имзолаган. Шу кунларда автокорхонанинг ўн бешта «Колхида» русумли юк машинаси ўз вазифасини бажармоқда.

- Қишлоқ хўжалиги ишларида мунтазам қатнашиш бизга яхши фойда келтиради,- дейди корхона раҳбари И.Боқиев. - Ғалла ўримида икки миллион сўмдан зиёдроқ соф фойда кўрдик. Ҳайдовчилар ҳам яхши ҳақ олишди. Пахта мавсумида ишимиз янада самарали бўлади. Шу кунларда элликдан зиёд ишчи-хизматчимиз фермерларга яқиндан ёрдам бермоқда.

(ЎзА)

Рахимов кўчасидаги 62-уйда истиқомат қилувчи Азизахон Эгамовага қарашли турар-жойнинг таъмирталаблигини айтишганда, Мансурбек қариндошиникига тўйга отланиб турган эди. Ташрифни қолдириб тўғри онахоннинг хонадонига йўл олди.

МАҲАЛЛАМ – МАДАДКОРИМ

дейди Куйганёр шаҳарчасида яшовчи Азизахон ая Эгамова

Айтишгани тўғри чиқди. Зах босган, тўкилай деб турган уйда уч жон автодаҳол яшарди. Бунинг устига оила боқувчисини йўқотганди. Қани энди, имкон топилса, эртагаёқ кошона қуриб битказсаю оилани унга кўчириб чиқариб, онанинг, болаларнинг юз-кўзларида қувонч учқунларини кўрса! Шаҳар фуқаролар йиғини раиси ана шундай ширин орзуниятлар билан ишхонага қайтди.

... Белгиланган вақтда шаҳар кенгаши аъзолари жамулжам бўлишди. Мансурбек Солиев Обод маҳалла йили тадбирларидан сўз очиб, гапни ижтимоий ҳимояга, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга бурди. Ҳаммани муштипар она Азизахон Эгамова хонадонига мурувват ёрдами кўрсатишга чақирди. Куйганёрда азалдан бағрикенг, оқибатли кишилар кўп. Шундай инсонлардан бири Катта Фарғона канали бошқармаси саркори Улуғбек Абдуллаев она хизматига камарбасталигини билдирди.

Меҳр-оқибатнинг, савобли юмушларнинг қанотлари бўлади. Маҳалладошлардан хусусий фирма эгаси Халилжон Алижонов, «Мухтор» фермер хўжалигининг бошлиғи Муҳаммаджон Мамадалиевлар жон-диллари билан ёрдам қўлини чўздилар. Бири кум-оҳакдан, бошқаси ёғоч-тахтадан, яна бирови ишчи кучидан кўмаклашди, транспорт харажатларини кўтарди.

Кўпдан қуён қочиб қутилмас, дейдилар. Шаҳардаги қурилиш-монтаж участкасининг Бахтиёржон Йўлдошев бошлиқ ҳашарчи бинокорлари ҳиммати-га кўпчилик қойил қолди. Саратоннинг оташларида ҳам уч сменада иш ташкил қилдилар. Қурувчилардан Фарҳоджон Сулаймонов, Фарезжон Юнусовлар бетон ва пардозлаш ишларини тезкорлик билан адо этдилар. Мана онахон бугунги кунда маҳалладошлари кўмаги билан қурилган уйда умргузаронлик қилмоқда. А.Эгамова олиҳиммат инсонлар Улуғбек Абдуллаев, Мансурбек Солиев ҳузурига келиб савобли ишлари учун дуога қўл очди.

Шаҳар фуқаролар йиғини кенгашининг ибратли ишлари бугина эмас. Вояга етмаган ёшларни тарбиялаш, бекор юрган йигит-қизларни аниқлаб, касб-корга йўналтириш ва иш билан таъминлашда ҳам самарали фаолият юритмоқда. Комиссияга 3 нафар фаол – вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими Аҳмаджон Абдуллаев, «Саноат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сардоржон Кимсанов, участка нозири Шарипхон Қодировлар уюшган. Иқболжон Одилов гуруҳ раиси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий қўникма марказлари ишини ташкил қилиш ва яхшилаш ҳақидаги қарори комиссиянинг вояга етмаган ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш тадбирларига асос қилиб олинган.

Комиссия ўсмир ёшлар билан ишлашда жамоатчилик ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Юқоридаги тадбир бўйича касаба уюшмалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари ҳамда маҳалла оқсоқоллари иштирокида «Ўз уйингни ўзинг асра», «Бир йигитга қирқ ҳунар оз», «Аскар – Ватан қалқони», «Ота-онанг – умринг гултожи» мавзуларида мактабларда савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Прокуратура, ички ишлар ходимлари, адлия идоралари вакиллари кўмагида ўқув юртларида ёшларнинг ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида учрашувлар уюштирилмоқда.

Бир мисол. «Саноат» маҳалласида яшовчи 33-мактаб ўқувчиси Озодбек Муродовнинг безорилик қилиб девор-дармиён қўшниси Тожиддин Ҳайдаровга тан жароҳати етказганлиги ҳақида комиссияга шикоят тушди. Эътиборлиси, шаҳарда жамоатчи тарбиячилар фаолият юритади. Уларга маҳалладаги педагог тарбиячилар кўмакдошлик қиладилар.

Комиссия йиғинида «Саноат» маҳалласидаги вояга етмаган ёшлар тарбиясини муҳокамадан ўтказиш режалаштирилди. Кўп ўтмай комиссия аъзолари тўпландилар. Йиғинга боланинг ота-онаси, маҳалла оқсоқоли, ҳар иккала ўқувчининг синф раҳбарлари, участка нозири таклиф қилинди.

Муҳокамада йиғин қарори билан жамоат жойларида жамоатчи тарбиячилар, участка нозирлари қатнашувида ёшларнинг хулқ-атворини кузатувчи назорат постлари ташкил қилинди. Болалар туфайли орага совуқчилик тушган қўшнилар йиғинда бир-бирларидан кечирим сўрадилар. Озодбек эса маҳалла оталиғига олинди. Комиссия аъзолари юқоридаги мактабда бўлиб, ўсмир ёшлар ўртасида ўқув-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши билан танишдилар. Мактабдан ташқари фан тўгаракларини, кутубхона, спорт-соғломлаштириш ишларини яхшилашда яқиндан ёрдам бердилар.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деганлари бор гап. Бугунги кунда қўшнилар боягидек аҳил яшаяптилар. Озодбек ўрта мактабни тугаллаб, комиссиянинг ёрдами билан ҳаётда ўз ўрнини топган. «Соҳил» фирмасига қарашли хусусий ошхонада ишламоқда. Устозлари Озодбекнинг хизматидан мамнун.

Ёшлик – олтин давр, у ҳеч қачон ортга қайтмайди. Ким ўз йўлини қанча барвақт топса, шунча тез ўз бахтига эришади.

С. СОБИРОВ

Бор бўл, оқибат!

"T I T F -2003"

Шу йилнинг 21-23 октябр кунлари Тошкентда анъанавий "TITF -2003" кўргазмаси очилади. Кўргазма ташкилотчилари Буюк Британиянинг ITE Group PLC кўргазмалар компанияси ҳамда унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa-Osiyo ҳисобланади.

САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ТАШРИФИ

-Кўргазмага туризм соҳасининг саккиз минг нафар мутахассиси жалб қилинган,-деди Itesa-Osiyo компанияси менежери Нодира Аҳмадқулова "Туркистон-пресс" мухбирига. - Кўргазма авиайўналиш ва авиаагентлик, туризмда ахборот технологиялари, экология туризми каби йигирмага яқин бўлимлардан иборат бўлиб, унда дунёнинг 15 мамлакатидан 45 та компания қатнашиши кўзда тутилмоқда. Улар орасида British Airways, Кипр, Миср, Словакия давлатларидаги туристик компаниялар сайёҳларга танишдир. Шунингдек, мамлакатимиздаги Beldersay, Chimgan, Chorvac ва "Бухоротуризм" компаниялари ҳам иштирок этади. "TITF-2003"нинг асосий мақсадларидан бири, ички ва ташқи сайёҳлик соҳасини мувофиқлаштириш, республикамиздаги сайёҳлик компанияларга ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда кўмаклашиш ҳамда хорижлик компанияларни мамлакатимиздаги сайёҳлик ташкилотлари билан таништиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 2500 йиллик тарихга эга 4000 та меъморий ёдгорликлар жойлашган. Уларнинг ҳаммаси дунё аҳамиятига эга бўлган ёдгорликлар ҳисобланади. Шунингдек, қадимда мамлакатимиз ҳудудидан ўтган "Буюк ипак йўли" , кўҳна шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз "Дунё мероси" рўйхатига киритилган ва ЮНЕСКО томонидан қўриқланади. Кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз ўз тарихи ва келажаги билан йилдан йилга сайёҳларни кўпроқ жалб қилмоқда.

"Туркистон-пресс"

Қарор ва ижро

ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТ!

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги илгариги марказий универмаг дўконида минтақавий савдо ярмаркаси фаолият кўрсатиб келаётир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган саноат моллари улгуржи ва чакана савдо ярмаркаси кенг тармоқли бўлиб, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон республикаси савдо тармоқларига хизмат кўрсатмоқда.

Қадимий Хоразм диёри мустақиллик йилларида янада яшариб, чирой очмоқда. Айниқса, кейинги учтўрт йилда улкан бунёдкорлик ишларини кўриб кўз қувонади, дил яйрайди.

Вилоятимизда янги-янги бозорлар қад ростлади. Мавжудлари эса замон талабларига мос равишда қайта таъмирланди. Жаҳон андозаларига мос келадиган супермаркет, минимаркет дўконлари, маҳалла гузарлари, савдо шохобчалари ташкил қилинди. Улар айни пайтда аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Ана шу савдо шохобчаларига қулайликлар туғдириш мақсадида Урганч савдо уйида ташкил қилинган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган саноат моллари улгуржи ва чакана савдо ярмаркасига қўйилган озиқ-овқат, саноат, халқ истеъмоли моллари ўзининг сифатлилиги, бежиримлилиги билан кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу ерда Республика енгил саноат, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, гўшт-сут саноати вазирликларига ҳамда ҳунармандлар, ёғ-мой, тамаки саноати уюшмалари, «Файз-холдинг», «Мевасабзавотузумсаноатхолдинг», «Ўзбексавдо» компаниялари, шунингдек, «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси тизимига қарашли деярли барча корхоналар томонидан тайёрланган маҳсулотлар савдо пештахталарига қўйилган. Доимий фаолият кўрсатувчи минтақавий савдо ярмаркаси кўргазмасида 130 миллион сўмликдан ошиқроқ турли хил кўринишдаги халқ истеъмол моллари бор.

Бу ерга ташриф буюраётган савдо ходимлари, фирма ва корхоналар раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳукуматимиз томонидан яратилган бундай қулайликдан мамнун эканликларини изҳор қилмоқдалар. Айтайлик, ошиқча маблағ ва вақт сарфлаб, пойабзал сотиб олиш мақсадида Фарғонага, ёхуд чойнак-пиёла ахтариб Тошкент ёки Самарқандга боришга эндиликда ҳожат йўқ. Энг муҳими, харидорларга барча қулайликлар яратилган бўлиб, бу кўпчиликка манзур бўлаётир.

Урганч савдо уйида бўлиб бу ердаги маҳсулотлар билан танишган савдогар ўз дўконида сотишни кўзлаб, шу жойнинг ўзида шартномалар тузиш, уни Ўзбекинвест суғуртакомпаниясининг вакили томонидан суғурта қилдириши, минибанк, алоқа ва автохизматлардан беминнат фойдаланиши мумкин.

2003 йилнинг 28 августида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол товарлари ярмаркаси савдосини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори фаолиятда асосий дастуриламалдир. Ушбу ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида бу ерда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда қатор ижобий ишлар қилинди. Чунончи, ярмарка фаолиятини такомиллаштириш,ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида аниқ тадбирлар амалга оширилди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ, журналист

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ:

ТАҲЛИЛ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Касаба уюшмалари кенг меҳнаткаш омма манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга ўсиб келаётган ёш авлод камолоти учун ҳам масъулдир. Бу бошланғич ташкилотларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумидаги фаоллигида, айниқса, кўзга яққол ташланаётир. Бугун жойларда ўтган мавсум сарҳисоб қилинмоқда ва чуқур таҳлил этилмоқда. Хўш, қандай ютуқларга эришилдию қайси жабҳаларда имкониятлар бой берилди?

Айтиш жоизки, вилоятда 20 та шаҳарорти, 42 та кундузги мактаболди оромгоҳлари фаолият кўрсатиб, унда меҳнаткашларнинг 16000 нафар фарзандларини соғломлаштириш кўзда тутилган эди. Ҳақиқатда эса 15430 нафар болаларнинг мириқиб дам олишлари учун имкон яратилди. 642 нафар ўғил-қизларимиз эса вилоятдаги корхона, ташкилот, муассасалар маблағлари ҳисобидан қўшни вилоятлардаги ҳамда Тошкентдаги оромгоҳларда дам олиб қайтдилар. Шундай қилиб, мавсум давомида вилоят бўйича умумий дам олдирилган болалар сони 16072 нафарни ташкил этди. Бу умумий режанинг 100,5 фоизи демакдир.

Эътироф этиш керакки, вилоят соғломлаштириш комиссияси олдинги йиллардан фарқли ўлароқ, мавсумга пухта тайёргарлик кўрилишига алоҳида эътиборни қаратди. Комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишларида жойлардаги тайёргарлик ишлари атрофлича муҳокама этилди. Зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар белгилаб олиниб, махсус дастур асосида иш ташкил этилганлиги ижобий самара берди.

Болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ичимлик суви, газ, электр энергияси, қаттиқ, юмшоқ ва хўжалик жиҳозлари, ошхона анжомлари, кўрпа-ёстиқ жилдлари, музлатгич, телевизорлар билан таъминлаш масалалари тузилган гуруҳлар томонидан чуқур ўрганилиб, бу борада йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар жойида ва пешма-пеш бартараф этилди.

Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишлари ўтган йилгига нисбатан талабчанлик асосида ташкил этилганлиги боис «Ёш тўқимачи» («Бухоротекс» ҳ.ж.), «Ёш алоқачи» (Бухоротелеком а.ж.), «Мингчинор» (Шофиркон тумани), «Коинот» (Ғиждувон тумани), «Нефтчи» (Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи), шунингдек, «Мовий гулхан» («Нефтгазқурилиштаъмир» ҳ.ж.) каби оромгоҳларга мавсумнинг биринчи навбатига режалаштирилган кунда болалар қабул қилинди. Бу оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш учун таъмирлаш ва уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 10-50 миллион сўмгача маблағ сарфланди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини юқори савияда, талофатсиз ўтказиш учун оромгоҳ ташкилотчилари, тарбиячи-педагог, тиббий ва ошхона ходимларининг ўқув семинари ташкил этилди. Ўзаро тажриба алмашилди. Кадрлар ўқуви йўлга қўйилди.

Оромгоҳларни озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт-сут, ёғ-мой, мева-сабзавотлар билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш мақсадида вилоятнинг барча савдо ташкилотлари, ширкат ва фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилди ва уларга ҳомийлар бириктирилди. Кўпгина оромгоҳларда ёрдамчи хўжаликлар ҳисобидан мева ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни жонлантириш тадбирлари белгиланди.

Оромгоҳларда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам тегишли ташкилотлар, ички ишлар ходимлари билан чора-тадбирлар белгиланиб, навбатчиликлар ташкил этилди. Бундан ташқари, вилоят касаба уюшма кенгашининг ташаббуси билан фавқулодда ҳодисалар бўйича вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар бир оромгоҳда фуқаролик муҳофазаси бўйича махсус дарслар уюштирилди.

Кундузги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Шароитлари ҳар томонлама талабга жавоб берадиган энг сўлим масканлар танланиб, у жойларда болаларни дам олишлари учун барча шароитлар яратилди.

Вилоятда ўтказилаётган «Мактаблар куни» тадбири муносабати билан барча мактабларнинг моддий-техника базаси яхшиланди. Шуни инобатга олиб Ромитан туманидаги мактаб-интернат базасида кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли болаларини дам олдириш учун махсус оромгоҳ ташкил этилди. Шунингдек, «Бухорокооптранс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Йўлдош» оромгоҳида Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик Корпуси Кўнгиллилари билан биргаликда «Дунёмизни қизлар бошқаради» оромгоҳи ташкил этилиб, унда вилоятимиздаги инглиз тилини мукаммал биладиган 150 нафар қизлар дам олдирилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги «Нефтчи» оромгоҳида ЮСАИД ташкилотининг Ўзбекистондаги бўлими билан ҳамкорликда «Тоза шаҳар учун» мавзуидаги экология муаммоларига бағишланган кўргазмали амалий тадбир ташкил этилди. Тадбир сўнггида фаол иштирок этган болаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Болаларнинг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча оромгоҳларда вилоят касаба уюшма кенгаши тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари билан оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида футбол, шоҳмот-шашка, енгил атлетика, стол тенниси, кураш мусобақалари, бундан ташқари вилоят ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан биргаликда оромгоҳлар ўртасида спортнинг 6 тури бўйича беллашувлар ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бу йилги мавсумни ўтказиш олдинги йиллардагига қараганда қийинчиликлар билан якунланганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Айрим корхона, ташкилот ва ширкат хўжаликларининг иқтисодий томондан ночор аҳволга тушиб қолганлиги, анча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шуларни эътиборга олиб, саховатпеша «Бухородон», «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамиятлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи каби корхона ва ташкилотлар ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб, кўп болали, кам таъминланган оилалар болаларини бепул соғломлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Соғлом авлод-юрт кўрки. Шундай экан, бу борадаги ишларни янада кучайтириш йўлида қатъият билан ҳаракат қилиш лозим.

Махсуд ШУКУРОВ, Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ЕТАКЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Бугун бу гўшада бўлган киши бунёдкорлик ишларини кўриб, дилдан қувонади. Ўн икки йилда қилинган ишлар кўлами ғоятда кенг.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Шаҳрисабз туманидаги М.Улуғбек номли ширкат хўжалигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қаторида аҳоли моддий фаровонлигини юксалтириш ва қишлоқ, маҳаллаларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда мавжуд 10 та қишлоқнинг барчаси тўлиқ ичимлик суви, табиий газ билан таъминланди.

Ҳар бир қишлоқда замонавий чойхона ва гузарлар барпо этилган. Қишлоқ хўжалигидан бўшаётган ортиқча ишчи кучини янги мутахассисликларга ўқитиб, иш билан таъминлаб бориш хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшмасининг асосий мақсадларидан бирига айланди. Буни кейинги йилларда барпо этилган маиший хизмат тармоқлари, кичик корхоналар, тикиш-бичиш ва зардўзлик цехлари мисолида ҳам кўрса бўлади. Ҳозир ана шу цехлар 150 нафардан зиёд ёшларни ўз бағрига олган. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат Шаҳрисабзда, балки вилоятда ҳам харидоргир.

Аслида бундай хайрли ишларга даврнинг ўзи кенг йўл очди. Аммо ҳали-ҳануз имкониятлардан тўғри фойдаланолмай, аросатда қолиб юрган хўжаликлар учраб турибди-ку! Борни бор қилиб, йўқни йўндираётган М.Улуғбек номли ширкат хўжалиги аъзолари эришаётган ютуқлар замирига бир назар солинса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга нечоғли катта эътибор берилаётгани яққол кўринади. Хўжаликнинг экин майдонлари унчалик катта эмас. Ишловчилар асосан 945 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Бироқ гап гектарларда эмас, балки ишбилармонликда эканлигини улар бир неча йилдирки, амалда исботлаб келишяпти. Қишлоқ инфратузилмаси талаблари асосида иш юритилиб, деҳқончилик маданиятини шакллантиришга эътибор кучайтирилди. Экин майдонлари оилавий пудратчиларга бўлиб берилганидан сўнг, чек асосида иш юритилди. Мулк эгаси шаклланиб, ҳар бир ишчи бугун сарфлаётган бир сўми сарҳисобда янада кўпроқ маблағ олиб келишига ишонч ҳосил қилди.

Мана бу далилларга эътибор қаратайлик. Жорий йилда 460 гектар майдонда ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик ўртача 45 центнерни ташкил этди. Ярим йиллик сарҳисоб ғаллага сарфланган харажатлар унчалик кўп эмаслигини, даромад эса 135 миллион сўмни ташкил этаётганлигини кўрсатди. Асосий экин – пахта ҳосилидан бунданда кўпроқ даромад кутилмоқда. Бу фақат ишлаб чиқаришдаги иккита тармоқ, холос. Боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқлари ҳам жадал ривожланяпти. Ана шу тармоқлар қўшиб ҳисобланганда камида 500 миллион сўм даромад келади демакдир.

Бозорга борган киши ҳамёнига қараб иш кўради, деган гап бор. Маблағ чўғига қараб бунёдкорлик ишлари режалаштирилади. Ана шу юмушларни амалга оширишда касаба уюшмаси ва унинг асосий дастури – жамоа шартномаси хўжалик раҳбарига ҳамкор.

Ҳозирги кунда соф фойда ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш қаторида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган, боқувчиси йўқ оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 670 нафар ишловчининг 351 нафари хотин-қизлар. Уларга барча шароитлар яратилган, иш вақти 1,5 соатга қисқартирилиб, меҳнати моддий рағбатлантириб бориляпти.

Шунингдек, 30 нафар меҳнат фахрийси, 8 нафар байналмилалчи ва 36 та моддий ёрдамга муҳтож, 15 нафар уруш қатнашчилари имтиёзлардан унумли фойдаланмоқда. 27 нафар ҳеч кими йўқ кишилар эса хўжалик оталиғида. Уларга вақти-вақти билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий ёрдам бериб борилади.

Яхши ишлаган яхши дам олишни ҳам билиши керак. Касаба уюшма қўмитаси саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг ёз мавсумида 36 нафар киши хўжалик ҳисобидан республикамиздаги турли санаторийларда дам олиб, соғлиғини тиклаб қайтди. 50 нафар ишчи эса Бухоро, Самарқанд, Хоразм каби қадимий шаҳарларда зиёратда бўлишди. Барча харажатлар хўжалик ҳисобидан. Шунингдек, ишчиларнинг 75 нафар фарзанди ёзги мавсумда оромгоҳларда дам олдирилди.

Албатта, саъй-ҳаракат ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Хўжаликда янгича иш юритишга ўтилгач, ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлашга эришилганлигининг самараси бу. Ваҳоланки, собиқ шўро даврида деҳқон уззукун далада тер тўксада даромадининг тайини бўлмаган, қишлоқлар қашшоқлигича қолган. Мустақиллик – истиқлол шукуҳи касаба уюшмаларига ҳам кенг имкониятлар яратди. Ҳозирги касаба уюшмаси ва уни бошқараётган сардорлар илгаригиларидан тубдан фарқ қилади. Ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид қарорларини оғишмай адо этиш, ишловчи ҳақ-ҳуқуқини амалдаги қонунлар асосида ҳимоялашда унинг ҳиссаси катта бўлаётганлигини кўпчилик яхши билади.

Ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Нурилла Саидов ўз ваколати ва ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Боз устига, бошқарув раиси барча ишларда унга ҳамкору мададкор.

Ҳамкорликда қилинаётган хайрли ишлар кўлами кенг. Айтайлик, жорий йилда касаба уюшма қўмитаси таклифи билан Шовкан қишлоғида битта қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Каттаноқи ва Чорқи қишлоқларида биттадан мактаб қуриш режалаштирилди. Айни вақтда лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилган. Бундан ташқари, ширкат тасарруфидаги иккита болалар боғчаси замонавийлаштирилиб, меҳнаткашларнинг 100 нафардан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда.

Спорт бу ерда истиқомат қилаётган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишиларнинг жони-дили. Туман ва вилоятда ўтказиладиган мусобақаларда хўжалик аъзолари фаол иштирок этадилар. Аммо футболни стадионсиз тасаввур қилиб кўринг-а. Афсуски, шундай эди. Соф даромад ҳисобидан мустақилликнинг ўн икки йиллиги арафасида беш минг ўринли янги, замонавий стадион қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Иш унумини ошириш ва сифатли маҳсулот етиштириш учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида меҳнат аҳли мунтазам рағбатлантириб бориляпти. Айтайлик, ҳар ўн беш кун якуни бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни олган илғор ишчи 10 минг сўмдан 25 минг сўмгача тақдирланиб борилади. Шулар қаторида меҳнат аҳли ўзи етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан манфаатдор. Мисол учун жорий йил ғалла ҳосилидан давлатга сотилган ва уруғлик учун олиб қолинганидан ташқари 410 тонна буғдой тарқатилди. Энг муҳими, ширкатда ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 22 минг сўмга тўғри келяпти.

Албатта, бозор иқтисоди шароитида одамларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш хайрли ишларнинг қанот ёзишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ширкат хўжалиги ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида олиб борилаётган хайрли ишлар ҳам аллақачон вилоятнинг назарига тушган. Ўтган йили улар меҳнати қадрланиб, «Тико» машинаси совға қилинган бўлса, жорий йилда эса вилоятда ғаллачиликда энг юқори натижаларга эришилганлиги учун «УАЗ» автомашинаси билан тақдирланди.

Ҳа, истиқлол одамларимиз онгида, дунёқараши ҳамда меҳнатга муносабатида янги қарашларни шакллантирди.

Дарвоқе, хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси билан суҳбатлашарканмиз: ўша суронли йилларда райком секретарининг фикрини бўлиб, ишчилар номидан гапирган мен эдим, деди у. Аммо бу катта қийинчиликларни юзага келтирганди.

Хўжаликдан қайтаётиб далаларга назар ташлаймиз. Деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати самараси бўй кўрсатган. Энг муҳими, одамларнинг кайфияти чоғ.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕК СЎМИ - ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, савдога алоқадор бўлмаган пул ўтказиш ва тўловлар (чет элда ўқиш ва даволаниш, суғурта, маош суммалари, мерос ва бошқа даромадлар) ҳам шулар жумласидандир. Бошқача айтганда, энди ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш учун чеклашлар бўлмайди, резидентлар ва норезидентлар миллий валютани эркин алмаштириладиган хорижий валютага бемалол алмаштириши мумкин.

Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатининг яққол самараларидан биридир. Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўлида мамлакатимиз раҳбарининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари босқичма-босқич қабул қилинди. Улар валюта сиёсатини янада эркинлаштиришга қаратилган.

Валюта бозорини эркинлаштириш учун, аввало, Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) асосий талабларини бажариш лозим эди: валютани айрибошлаш курсларининг тўла бир хиллигига эришиш, жисмоний шахслар айрибошлаш шохобчаларидан ҳамда хўжалик субъектларининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали эркин муомаладаги валютани сотиб олишидаги чеклашларга барҳам бериш. Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган ХВЖ миссияси Ҳаракат режасида кўзда тутилган шартлар бажарилганлигини мамнуният билан қайд этди.

Бу шуни англатадики, нақд пулсиз валюта бозорида пул алмаштиришни амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар рўйхати соддалаштирилди, савдо-воситачилик ташкилотлари томонидан ва қарз маблағлари ҳисобига хорижий валютани сотиб олишдаги чеклашлар олиб ташланди, хорижда ўқиш, даволаниш учун тўловлар ҳамда жисмоний шахсларнинг шахсий пулини ўтказишига рухсат берилди. Жисмоний шахслар учун нақд валюта бозоридаги барча чеклашлар бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси резидентлари банклар ва валюта алмаштириш шохобчаларида эркин муомаладаги валютани ҳеч қандай тўсиқсиз, фақат паспортини кўрсатган ҳолда сотиб олиши мумкин.

Импорт борасидаги ташқи савдо ҳисоб-китобларига келсак, бу соҳада ҳам янада эркинроқ тартиб жорий этилмоқда. Масалан, товарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киргунча тўланадиган аванс ҳажмининг 100 фоизи миқдорида миллий валютадаги маблағни қўшимча заҳира қилиш, импорт шартномаларида белгиланган маблағни фақат товарлар республикамиз божхона чегарасидан ўтгандан кейингина тўлаш талаби бекор қилинди. Уларни Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказишга ҳам чек қўйилди.

Низом жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган давлат корхоналари тузган ҳамда давлат бюджети ёки ҳукумат томонидан берилган ёки унинг кафолати асосида жалб қилинган кредитлар ҳисобига молиялаштириладиган шартномалар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида олдиндан экспертизадан ўтказиладиган бўлди. Аввалдан ҳақ тўлашнинг чегара суммаси бекор қилинди, ташқи қарзлар бўйича фоиз тўловларининг 20 фоиздан ошмаган максимал миқдори ва бошқа чеклашлар олиб ташланди.

Бундан ташқари, амалда валюта алмаштириш курсларининг бир неча хиллигига олиб келган барча меъёрлар бекор қилинди, деб таъкидлади Ш.Тошмуродов. Ҳозир барча операциялар банклараро савдо сессияларида эркин муомаладаги валютага талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланадиган ягона курс асосида амалга оширилади, яъни валюта айрибошлаш курсларининг бир хиллиги таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоб-китоби, статистик ҳисоботларни юритиш, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш учун белгиланади.

Бундай чораларни Марказий банк юритган қаттиқ пул-кредит сиёсатисиз амалга ошириб бўлмас эди. У инфляция даражасини пасайтиришга ижобий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида истеъмол нархларининг 0,3 фоиз дефляциясига эришилди, ваҳоланки, 2002 йилнинг 9 ойида инфляция 17,4 фоизни ташкил этган эди. Марказий банк келгусида ҳам белгиланган пул-кредит сиёсатини валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар билан бирга узвий боғлиқ ҳолда олиб боради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон жорий халқаро тўловлар бўйича валютанинг эркин алмаштирилишини жорий этиш юзасидан бошқа мамлакатлар тажрибасини, шу жумладан, бу муҳим ишнинг салбий жиҳатларини ҳам диққат билан ўрганиб чиқди. Олтин-валюта заҳирасини жамғариш жараёни узоқни кўзлаб амалга оширилди. Ушбу заҳира мамлакатимиз четдан қарз олмай сўмни эркин конвертация қилишга ўтиши учун зарур миқдорга етди.

Ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда биздаги валюта бозорини тартибга солиш тизими ХВЖ Битим Моддаларининг 8-моддасида кўзда тутилган мажбуриятларга тўла мослиги назарда тутилган.

Миллий валютамизни жорий халқаро операциялар бўйича алмаштирилиши Ўзбекистонга нима беради?

Бу саволга жавобан суҳбатдошимиз мамлакатимизда эришилган макроиқтисодий барқарорлик иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш учун мустаҳкам асос яратганини таъкидлади.

Хусусийлаштириш, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ёқилғи-энергетика ва бошқа тармоқларда кенг кўламли бозор иқтисодиётига хос тузилмавий ислоҳотлар ҳамда иқтисодиётда давлатнинг иштирокини камайтиришни кўзда тутувчи маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Қисқаси, мамлакатимиз иқтисодиёти янги юксалишлар сари юз тутади, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёни янада тезлашади.

ЎзА шарҳловчиси
Виктор НИКОЛАЕВ
суҳбатлашди

Амир Темур номли ширкат хўжалигининг 5-бригадасига етиб келганимизда вакт тушга яқинлашганди. Бригада аъзолари терган пахталарини хирмонга олиб чиқишаётган экан. Шу пайт шийпонга автодўкон келиб тўхтади. Бир зумда уни теримчилар ўраб олишди.

ДАЛАДА САВДО

–Бизда жойларда 40 дан ортиқ дўконлардан ташқари 3 та автодўкон ҳам бор, – дейди Мингбулоқ туман матлубот-савдо ҳиссадорлик жамиятининг раиси Сотволди Абдуллаев. – Улар фаолиятини пахта йиғим-терим мавсумида, айниқса жонлантирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда автодўконларнинг техник ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратдик. Мавсум учун биринчи галда аскотадиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини кўпайтириш чораларини кўрдик.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек, пахта йиғим-терими фақат қишлоқ хўжалик ходимлари учунгина эмас. Туман ҳиссадорлик жамияти бошқаруви ҳам ўз фаолиятини давр талаблари учун мослаштирди. Барча савдо шохобчаларида белгиланган 8 турдаги маҳсулотнинг доимий бўлиши таъминланмоқда.Шу кунларда далада ишлаётганлар учун зарур маҳсулотлар автомашиналарга юкланиб, бевосита далада савдо ташкил этилмоқда.

Шу билан бир қаторда далада ишлаётганларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқариш шохобчалари фаолияти ҳар қачонгидан жонлантирилган. Нон тайёрлаш ва қандолатчилик цехлари икки сменада ишлаяпти. Барча куч ва эътибор мавсумни муваффақиятли ўтказишга қаратилган.

Ж.ОБИДОВ

Фарғона туманидаги «Хонқиз» ширкат хўжалиги пахта далаларида йиғим-терим қизғин паллада. Хўжалик бу йил 520 гектар майдонга чигит қадаб, мўл ҳосил етиштирди. Айниқса, бу борада пудратчилар меҳнати таҳсинга лойиқ. Айни пайтда далалардан йиғиб олинаётган «оқ олтин» қабул пунктларига юқори навларга топширилмоқда. Ҳосил хирмонини юксалтиришда эса теримчилар хизмати катта бўлаётир.

Суратларда: илғор теримчилар Холисхон Дўланова ва Ҳикоят Маманиёзовалар.

Давур ЖОЗИЛОВ
олган суратлар

ЁШЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

Вобкент туманидаги Гавстабон қишлоғи ёшларининг орзуси ушалди. Ташландиқ ҳолда ётган қирқ сотих майдонда ҳашар йўли билан стадион барпо этилиб, атрофига мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди.

Қишлоқнинг Ш.Баҳромов, Х.Икромов каби тадбиркор ва фермерлари спорт майдони барпо этиш учун икки миллион сўмга яқин маблағ сарфлади.

ҚИШ ТАРАДДУДИ

Хўжайли туманида қиш мавсумига тайёргарлик бўйича биноларни таъмирлаш, иситиш тизимларини алмаштириш борасида қизғин иш олиб борилмоқда.

Ҳали марказий иситиш тизимига уланмаган бешта қишлоқ мактабига кўмир ва дизел ёнилғиси сотиб олиш учун 800 минг сўм маблағ ажратилди.

Тумандаги тиббиёт муассасаларида ҳам қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриляпти. Ищдан чиққан қувурлар алмаштирилмоқда, туман шифохонаси таъмири давом эттирилмоқда. Хўжайли тумани ҳокимлиги бу қишда иситиш тизимлари яхши ишлайди, деб ваъда бермоқда.

Масала кўндаланг қўйилади

АЛДОВ

ёхуд тўрт фарзандли аёл изтироби

«Собиқ турмуш ўртоғим Жўракул Пардаев билан никоҳ актимиз Қўшработ туман судининг 1999 йил 13 августдаги карори билан бекор килинган эди,- деб ёзади мазкур туманнинг Жўш кишлоғида яшовчи Гулшод Пардаева. - 4 нафар фарзандимиз эса менинг карамоғимда колди. Туман судининг 1999 йил 30 августдаги карорида мени ва болаларимни ўзимиз яшаб келган уйнинг икки хонасига мажбурий киритиш хакида тўхтамга келинганди. Бирок карор ижросини таъминлашда алдов йўли билан конунбузилишига йўл қўйилди. Ижрочи Тўхташев уй эгалари Пардаевлар тўполонидан кўркиб хали ховли дарвозаси очилмасдан туриб уйга жойлаштирилганим хакида ижро варакасига кўл кўйдирди. Мен турмуш ташвишларидан чарчаганим, ўзимни бу хонадонда яна кандай шуришу ғавғолар кутаётганини ўйлаб тахликада бўлганим учун нимага кўл кўйдиришганини англай оладиган холатда эмас эдим...»

Шу-шу Гулшоднинг ширин оила ҳақидаги орзулари саробга айланганини етмаганидек, болалари билан яшаш учун беминнат бошпана топиш илинжи ҳам батамом сўнди. Бу хонадон эшиклари улар учун қайта очилмади. Ночор ҳолда тўрт боласини етаклаб онасиникига қайтди. Болаларининг илтижоли боққан ўксик нигоҳлари, кечалари болиш қучоқлаб унсиз ёш тўккан тунларни қувлаб тунлар келди. Шу тариқа орадан бири-бирига уланиб тўрт ярим йил ўтди. Гулшоднинг суд ижросини таъминлаш ҳақидаги сўроғига «Сиз уйга жойлаштирилгансиз» деб жавоб бераверишди. Маҳкамалар эшигида уни дилдан тинглайдиган одам топилмади ҳисоб. Бир ёғи ўзбекчилик. Нима, онасининг уйида яшаяпти-ку, тор қорнига сиққан кенг уйида сиғмайдими, дейдиганлар ҳам топилди. Албатта, бу хонадонда Гулшоднинг ҳам, болаларининг ҳам ҳеч ким кўрагидан итарган эмас. Аксинча, меҳр-муҳаббат кўргазишди, кийдириб, едириб ичиришди. Фақат ўн икки жон яшаётган уйга беш кишининг келиб қўшилиши ҳисобига янаям сиқилиб қолишди. Бунинг устига ёшлар ўсаяпти. Уларнинг ўз орзу-ҳаваслари бор.

Гулшод шуларни ўйлай-ўйлай юз истиҳола билан Иштихон туманлараро фуқаролик судига ариза берди. Судья Ўташев адолатли одам экан. Унинг айниқса, уйга киргизиш қисмини алоҳида кўриб чиқиш ҳақидаги ваъдаси Гулшоднинг дилида сўнган умидларни қайта ёқди. Кунора 80-90 километр олисдаги суд идорасига қатнади. Аммо қатнашнинг охири кўринмасди. Иш чўзилгандан чўзилаверди. Ишнинг ўйни бўлиш ҳақидаги қисми гоҳ вилоят экспертизасига берилди, гоҳ жавобгар судга келмаяпти, баҳонаси билан орқага сурилди. Ниҳоят, орадан оз эмас, кўп эмас бир йилдан ошиқроқ вақт мобайнида ўз қарори ижросини таъминламади, Иштихон фуқаролик ишлари суди шунча вақт сарсон-саргардон қилди. Судма-суд қатнаш шусиз ҳам ночор яшаётган бу хонадондагиларга қанчалик қимматга тушганини «эрта келинг, индин келинг» деб эринибгина жавоб берганларнинг тушунишмагани ғоятда ажабланарли. Бу орада болалар ҳам анча улғайиб қолишди. Уларни олдинда ҳар куни иқтисод билан боғлиқ янги-янги муаммолар кутмоқда, ота уйи улар учун ҳамон ёпиқ. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, пленум қарорига асосан иш икки маротаба кўрилмас экан, унда аввалги суд қарорининг мажбурий равишда уйга киритиш қисми бажариладими, ёхуд уйга устамонлик билан киритилмасдан қўл қўйдирилган, аллақачон архивдан жой олган ижро варақаси Гулшод ва болаларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишларига бундан буён ҳам тўсиқ бўлиб қолаверадими? Ахир, инсонпарвар жамиятимизда қоғоз эмас, инсон манфаати, қадри ҳар нарсадан улуғ. Туман ҳокимлигидагилар, «Жўш» фуқаролар йиғини, маҳалла қўмитасидагилар уй-жойсиз қолган Гулшод ва унинг болалари тақдирига нега бунчалар эътиборсиз қараб келишмоқда? Эҳтимол, улар вақтида оилани сақлаб қолишга, томонларни муросага келтиришга уринганмиз, дейишар, балки бу гап жўяли ҳам бўлиб чиқар. Лекин алдов, адолатсизлик оқибатида болалар ўз уйларига киритилмаганлигини улар билишармикан? Нима бўлганда ҳам 4 нафар ёш фарзанди билан оғир аҳволда қолган аёлни қўллаб-қувватлаш, мушкулини осон этиш одил ва оқил инсонлар иши!

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига карашли 14-релсларни пайвандлаш корхонаси Франциядан келтирилган янги технология асосида ишлай бошлади.

- Мазкур янги линияда ишлаш анча енгил ва қулай, бошқариш тизими тўлиқ компьютерлаштирилган,- дейди пайвандлаш цехи бошлиғи Аслиддин Саримсоқов. - Эътиборлиси, иш сифатли, тез ва аниқ бажарилади.

Корхонада калта релслар бир-бирига уланиб, 750 метргача узайтирилади. Бундай релслардан қурилган текис йўллар поездлар тезлигини ошириш имконини ҳам беради.

(ЎзА)

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Таҳририятимизга келаётган хатлар ичида «Ҳуқуқий маслаҳатхона»га оидлари айниқса сўнгги ойларда кўпроқ бўлмоқда. Қувончлиси шуки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг энг тажрибали ҳуқуқшунослари, мутахассисларининг фуқароларни қизиқтирган саволлар юзасидан чиқишлари одамлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини яхшироқ билиб олишлари, қонунга суяниб яшашни ўрганишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Баъзи долзарб масалаларга ойдинлик киритишни сўраб, йўлланган айнан бир мазмундаги ўнлаб хатлар ҳам олинмоқда. Шу муносабат билан газетхонлар илтимосига кўра бир вақтлар эълон қилинган саволларга жавоблар қайтадан берилмоқда. Таҳририят республикамиз фуқароларидан ўзларини қизиқтирган масалаларга оид хатларини, таклиф-мулоҳазаларини кутиб қолади.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: меҳнат низоларини кўриб чиқувчи идоралар, уларни ташкил қилиш бўйича тушунтириш берсангиз.

Ходим меҳнат низоси бўйича қайси ташкилотларга қанча муддат ичида мурожаат қилиши мумкин ва низоларни кўриш тартиби қандай?

И.ШОКАРИМОВА,
Тошкент тумани

ЖАВОБ: амалиётда иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнатга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш асосида меҳнат низолари келиб чиқади.

Бу низоларни бартараф этишда ходим манфаатини ифода этиб ходимларнинг вакиллик ташкилоти иштирок этиши мумкин. Меҳнат низолари комиссиялари ва туман (шаҳар) судлари меҳнат низоларини кўриб чиқувчи ташкилотлар ҳисобланади.

Ходимга меҳнат шартномасида белгиланганига қараганда янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартиришга доир меҳнат низолари иш берувчи ва тегишли касаба уюшма органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан ҳал қилинади.

Энди меҳнат низоларини кўрувчи органларни ташкил қилиш масаласига келсак. Меҳнат низолари комиссияси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 262-моддаси талаблари асосида тузилади. Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Президент вилоят, туман, шаҳар судларининг судяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади.

Меҳнат Кодексининг 262-моддасига асосан муассасаларда меҳнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади. Агар буни мисолда кўрадиган бўлсак, мабодо касаба уюшма қўмитасининг қарори билан 4 нафар қўмита аъзоси меҳнат низоларини кўрувчи комиссия таркибига ажратилган бўлса, иш берувчининг буйруғи билан ҳам 4 та ходим комиссия аъзолигига ажратилиши керак ва комиссия аъзоларининг сони ҳеч вақт тоқ сонда бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат низолари комиссияларининг сон таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномасида, агар муассаса янги ташкил қилинган бўлиб, унда жамоа шартномаси қабул қилинмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг келишувига биноан белгиланади. Комиссия аъзолигига ходим қабул қилинаётганда уларнинг меҳнат низоларини тўғри ва қонун асосида ҳал этиш қобилиятларига ҳам эътибор қаратмоқ керак. Номигагина тузиб қўйилган комиссия унга мурожаат қилган ходимларни кўп оворагарчиликларга дуч келишларига сабабчи бўлади.

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида мурожаат қилувчининг иштирокида кўриб чиқиши шарт.

Унинг иштирокисиз низони кўриб чиқилишига фақат унинг аризасига биноан йўл қўйилади. Агар ходим узрсиз сабабларга кўра комиссия йиғилишига келмаса, аризани кўриш кун тартибидан чиқарилади ва ходим ариза билан яна қайта комиссияга мурожаат қилишга ҳақли.

Комиссия мажлисга гувоҳларни, мутахассисларни таклиф қилиш ва иш берувчидан керакли ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилишга ҳақли.

Мажлисда комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси вакилларидан иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этишлари керак. Агар бу талаб бажарилмаса, комиссия мажлис ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Комиссиянинг қарори ҳар иккала томон вакиллари ўртасидаги келишувга асосан қабул қилинади ва мажбурий кучга эга бўлган бу қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади. Қарор қабул қилингандан сўнг уч кун муддат ичида комиссия бу қарор нусхасини ходимга, иш берувчига ва касаба уюшма қўмитасига бериши зарур.

Қонунда комиссия қарори устидан шикоят қилиш учун ўн кунлик муддат белгиланган бўлиб, бу муддат ўтгандан кейин қарор уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак. Агар белгиланган муддат ичида иш берувчи комиссия қарорини бажармаса, ходимга комиссия томонидан ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади ва ходим уч ой муддат ичида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда комиссия гувоҳномаси асосида унинг қарорини суд ижрочиси мажбурий тарзда ижро эттиради.

Меҳнат Кодексининг 270-моддасида меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат қилиш муддатлари белгиланган. Ходим ўз ҳуқуқини тиклашни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига қуйидаги муддатларда мурожаат қилишга ҳақли:

- ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган (МК 108-моддаси) кундан бошлаб бир ой:

- бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой ичида.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун Қонунда муддат белгиланмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муддатлар узрли сабабларга кўра ходим томонидан ўтказиб юборилган бўлса (албатта уни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиниши зарур), бу муддатлар суд томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатлари тўлашдан озод қилинадилар.

Ҳар бир муассасада ходимларнинг меҳнат низоларини тез ва ўз жойида ҳал қилиш мақсадида Меҳнат Кодексининг 35-, 262-моддаларига мувофиқ касаба уюшмалари иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш ва унда меҳнат низолари комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши зарур.

Саволингизга ЎзКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

САВОЛ: амалдаги қонун ҳужжатлари тунги даврдаги иш вақтидан фойдаланишнинг қанака хусусиятларини назарда тутади?

Э.САИДҚУЛОВ,
Балиқчи тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 122-моддаси биринчи қисмига биноан соат 22 дан то соат 6 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Тунги вақтдаги ишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, тунги вақтда иш сменаси у ёки бу тоифадаги ходимлар учун белгилаб қўйилган иш вақти муддатига нисбатан камида бир соатга қисқартирилиши керак.

Эслатиб ўтиш жоизки, илгариги Меҳнат қонунларида тунги сменанинг қисқартирилган муддати амал қилган тақдирда ҳам иш ҳафтасининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати сақланишини талаб этарди. Шу сабабли иш сменаси жадваллари ҳар қандай ҳолларда ҳам ҳафтасига 40 соат ишланишини таъминлайдиган қилиб тузиларди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 122-моддаси иккинчи қисмига биноан тунги иш муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Буни иш вақтининг нормал муддати, шунингдек, қисқартирилган муддати билан ишловчилар учун ҳисобга олинадиган у ёки бу даврдаги иш вақти меъёри ҳисобини чиқаришда инобатга олиш шарт. Демак, иш ҳафтаси ёки бошқа календар даврининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормал ёки қисқартирилган муддати мазкур ходим ҳисобга олинадиган муайян даврда иш сменаси (иш) жадвалига биноан тунги вақтда қанча смена ишлаб бериши керак бўлса, роппа-роса шунча соатга камайтирилмоғи лозим.

Масалан, оддий шароитларда ишловчилар учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ойлик меъёр 174 соат, иш сменаси жадвалига биноан ходим тунги сменадан олтитасида ишлаши керак. Бундай сменадаги иш муддати, маълумки, кундузги ва кечки сменага нисбатан бир соат қисқартирилган бўлади. Шу ходим учун бундай тартибдаги мазкур ойдаги иш вақти меъёри 168 соат (174-6) бўлади.

Корхонада тунги иш муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги иш муддатига тенглаштирилган ҳолларда иш вақти меъёри ходим тунги сменадан нечтасида ишлаган бўлса ҳам юқорида айтиб ўтилган тартибда қисқартирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 122-моддасининг учинчи қисмида тунги иш муддатини кундузги иш муддатига тенглаштириш мумкин бўладиган фақат иккита ҳолат келтирилган,холос. Хусусан, бундай қилишга ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда ҳамда бир кун дам олинган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишлаётган жойларда йўл қўйилади.

Демак, Меҳнат Кодекси тунги иш муддати кундузги иш муддатига бошқа ҳолларда ҳам тенглаштирилишига йўл қўяди. Бироқ бундан иш берувчи ўзи лозим топган ҳар қандай пайтда тунги иш вақтини кундузги иш вақтига тенглаштира бериши мумкин экан-да, деган хулосага бормаслик лозим. Эслатиб ўтиш жоизки, ички меҳнат тартиби қоидалари, иш сменаси жадваллари иш берувчи томонидан якка тартибда эмас, балки ходимларнинг вакиллик органи билан келишув асосида тасдиқланади. Бундан ташқари, тунги иш сменаси кундузгисига «ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур ҳолларда»гина тенглаштирилиши мумкин. Агар низо келиб чиқса иш берувчи тунги смена айни шу сабабдан кундузги сменага тенглаштирилганлигига ишончли, асосли далиллар тақдим эта олмаса, бундай тенглаштириш ҳаққоний эмас деб, тунги вақтда ишланган иш соатлари эса иш вақтидан ташқари, бажарилган иш деб топилади.

Қолаверса, Меҳнат Кодексининг 122-моддасига биноан тунги иш муддати ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган бошқа ҳолларда ҳам кундузги иш муддатига тенглаштирилиши мумкин. Тунги вақтдаги ишларни бажариш учун қабул қилинадиган ходимлар, (тунги қоровул, сантехник, электрчи ёки корхонага тунги вақтдаги навбатчиликка қабул қилинадиган бошқа мутахассисликлар ва шу кабилар) бунга мисол бўла олади. Бундай ҳолларда тунги иш сменаси муддати қисқартирилмайди,негаки юқорида зикр этиб ўтилган ва уларга ўхшаш иш жойлари айни тунги вақт мобайнида корхонадаги ёрдамчи ишларни бажариш учун махсус барпо этилган.

Республикамизда йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Буни яхши тушунган Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракат хавфсизлиги бўлимининг 3-сафарбар гуруҳи катта инспекторлари Шодиёр Маллаев, Абдуваҳоб Бурлиев, Мирзачўл тумани Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракат бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Жўрақул Расуловлар аҳоли ўртасида, муассаса ва ташкилотларда кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракат ўз самарасини бермоқда.

Б.НОРҚУЛОВ
олган сурат

САВОЛ: барча ходимлар билан, яъни ишга кирувчилар ва муассасада 10-20 йилдан буён ишлаб келаётган ходимлар билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш шартми? Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

А.ЁРБЕКОВ,
Сайхунобод тумани

ЖАВОБ: меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига асосан 1993 йилнинг 3 декабридан бошлаб Республикамиздаги барча корхона, муассасаларда (мулкчилик шаклидан қатъий назар) меҳнат шартномаси ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилиши ва ҳар бир тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши зарур.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган. Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни , агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдори (разряди) қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

Амалдаги қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Кўп йиллардан буён (1993 йилнинг 3-декабригача ишга кирган) бир муассасада ишлаб келаётган ходимлар билан меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш керакми? деган савол туғилиши мумкин. Агар ходим 1993 йилнинг 3-декабрига қадар ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий Суд Пленумининг 1994 йил 7 январдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномасини ёзма равишда тузиши фақат ўша ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

Меҳнат Кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномалари номуайян муддатга (муддатсиз) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ва бирор ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузишда Меҳнат Кодексининг 76-моддасига тўлиқ амал қилинмоғи зарур.

Муддатли меҳнат шартномалари:

- бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

- корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи билан, корхонада бош ҳисобчи лавозими бўлмаган тақдирда эса, уни вазифасини бажарувчи ходим билан;

Шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Меҳнат шартномасининг муддатлари иш давомида ходимнинг розилиги билан бир муддатдан иккинчи бир муддатга ўзгартирилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасининг муддати кўрсатилмаган бўлса, унда ходим доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 77-моддасига асосан ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган, шахслар отаси ёки онасининг ёки улар ўрнини босувчи шахс (васий, ҳомий)нинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан сўнг ота-онасининг розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Ишга жалб қилиш, албатта, боланинг соғлигига ва ўқишига зарар келтириши мумкин эмас.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиги, хавфсизлиги ва ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда ва бошқа юмушларда фойдаланиш умуман тақиқланади. Қонунда 18 ёшга тўлмаганларга ойлик маоши, иш вақти ва дам олиш вақти масалаларида кафолат ва имтиёзлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига биноан ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Шунинг учун меҳнатга қобилиятли ҳар бир фуқаро ёши улуғ бўлса-да ҳеч қандай тўсиқсиз ишга қабул қилиниши керак. Ёшга доир пенсияга чиқишини асос қилиб, ходимни ишдан бўшатиб бўлмайди. Бунда фақат тиббий хулосага мувофиқ ўз вазифасини соғлиғи туфайли бажара олмаслигини асос қилиб, меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Ходимни асоссиз ишга қабул қилмаслик ва асоссиз вазифасидан озод қилиш иш берувчини қонунда белгиланган жазолар олишига сабаб бўлади.

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Бекобод туман халқ таълими бўлимига карашли бўлган мактабларарo ўқув ишлаб чиқариш комбинатидаги 11 йиллик иш фаолиятимни ҳисобга олмасдан мени имтиёзли нафакага чиқаришмади. Шу тўғрими?

А.ШЕРИЕВ,
Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати»да ўқув ишлаб чиқариш комбинати қайд этилмаган. Шунинг учун, Сизнинг имтиёзли пенсияга чиқишингизда ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишлаган 11 йиллик меҳнат фаолиятингиз ҳисобга олинмайди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

НОБЕЛ МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

Швециядаги Нобел академияси дунёдаги энг нуфузли мукофотнинг янги соҳибларини эълон қилди. Маълумки, Нобел мукофоти ҳар йили тиббиёт, кимё, физика, адабиёт, иқтисодиёт соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган ҳамда тинчлик йўлида жонбозлик кўрсатган шахсларга берилади.

Бу йил иқтисодиёт йўналиши бўйича америкалик Роберт Энгл ва англиялик олим Клайв Грейнджер мазкур мукофотга лойиқ топилди. Уларнинг иқтисодий статистика бўйича қилган ишлари академия томонидан юқори баҳоланди.

Аслида иқтисодиёт йўналиши бўйича Нобел мукофоти 1968 йил Швеция банки томонидан Алфред Нобел хотирасига атаб, қўшимча тарзда таъсис этилган. Ўтган йиллар мобайнида мазкур мукофот очлик ва қашшоқликка барҳам беришда тадқиқотлар ўтказган, трансмиллий корпорацияларнинг даромад олиш жараёнларини ўрганган олимларга насиб этди.

Кимё соҳаси бўйича америкалик олимлар Питер Агр ва Роберт Маккиннонга омад кулиб боқди. Улар инсон организми ва қафасчалари ўртасидаги модда алмашинуви жараёнини ўрганганлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлди.

Физика бўйича россиялик Алексей Абрикосов ва Виталий Гинзбург ҳамда англиялик Энтони Леггетт академиянинг юксак эътирофини қозонди. Мукофот олимларнинг квант физикасида ўта ўтказувчанлик ва ўта ҳаракатчанлик соҳаларидаги йирик илмий тадқиқотлари учун берилди.

Тиббиёт йўналишида англиялик Питер Мэнсфилд ва унинг америкалик ҳамкасби Пол Лотербур кўпгина касалликларни аниқлашда фойдаланиладиган магнит-резонансли томография соҳасидаги ютуқлари учун мукофот соҳиби бўлди. Олимлар ўз изланишлари натижасида ички аъзоларнинг тасвирини олиш имкониятини яратган. Ҳозир магнит майдони орқали инсон танаси тарқатаётган сигналларни таҳлил қилиб, айни вақтнинг ўзида унинг ички аъзоларини жарроҳлик усулларисиз текшириш мумкин.

Адабиёт соҳасида Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси Жозеф Максвелл Кутзеега мукофот берилди. У 1980 йилдан кейин Африка қитъасида Нобел мукофотини олган тўртинчи адибдир. Швеция академияси вакилларининг фикрича, унинг асарларида бой мулоқотлар ва таҳлил санъати яққол сезилиб туради. Шунингдек, у рационализм ва Ғарб маданияти сунъий ахлоқининг ашаддий танқидчиси ҳамдир.

Бу йил тинчлик ва барқарорлик йўлида катта хизмат кўрсатган номзодлар 165 нафар эди. Улар орасида Рим папаси, Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари, Чехиянинг собиқ президенти Вацлав Гавел ва бошқа кўпгина номдор сиёсат арбоблари бор эди. Нобел акдемияси атрофлича муҳокамалардан кейин мазкур мукофотни эронлик Ширин Ибодийга топширадиган бўлди. У ўзининг демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига кўшган улкан ҳиссаси билан шунга сазовор бўлди.

Ш.Ибодий Эрондаги биринчи аёл ҳакам ҳисобланади. У 1979 йилдаги Ислом инқилобидан сўнг мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган. Айни пайтда Ш.Ибодий адвокатлик қилади ва Теҳрон университетида таълим беради. У ўз фаолияти давомида аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига ҳам катта эътибор қаратган.

Мукофотлар 10 декабр куни Швеция пойтахти Стокголм ва Норвегия пойтахти Осло шаҳарларида бўлиб ўтадиган тантанали маросимда соҳибларига топширилади.

ФИЛИППИН: АКСИЛТЕРРОР КУРАШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Филиппинда халқаро террорчиларнинг таҳдиди ҳали барҳам топганича йўқ. Ҳукумат мазкур хавфга қарши курашда барча имкониятларни ишга солмоқда. Айниқса, Филиппиннинг АҚШ ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги анча муваффақиятли кечмоқда.

2001 йилнинг августида АҚШ Филиппиндаги аксилтеррор операцияларини қўллаб-қувватлаш мақсадида у ерга ўзининг уч юз нафар мутахассисини юборган эди. Чунки мамлакатда БМТ ҳамда АҚШнинг «қора рўйхати»да турувчи «Абу Сайёф» террорчи гуруҳи фаолияти авж олган эди.

АҚШ ва Филиппин ўртасида ўзаро мудофаа ва хавфсизлик борасида ҳамкорлик тўғрисида қатор битимлар ҳам имзоланди. Қолаверса, Филиппин АҚШнинг Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги асосий ҳарбий ҳамкорларидан бири саналади. Ҳамкорликдан кўзланган мақсад Филиппин ҳукуматининг террорчилар билан самарали курашишига кўмаклашишдир.

Ўтган душанба куни АҚШ мазкур мамлакатга ўзининг «Орион» русумидаги иккита ҳарбий самолётини келтирди. Разведка мақсадларида фойдаланиладиган ушбу самолётлар нишонни узоқ масофадан туриб аниқловчи ускуналар билан жиҳозланган. Улар ҳозир Филиппиннинг Минданао оролида фаолият юритаётган АҚШ мутахассисларига ёрдам учун келтирилди.

Шу йилнинг 14 июлида пойтахт Манила яқинидаги Кемп Крамс турмасида ҳибсда сақланаётган уч нафар террорчи қочиб кетган эди. Уларнинг бири «Жамоа Исломия» айирмачилик ташкилоти фаолларидан саналган Фатурраҳмон ал-Ғозий бўлган. Маълумотларга қараганда, қочишни айнан шу кимса ташкиллаштирган.

Минтақада «Биринчи рақамли қўпорувчи» ҳисобланган ал-Ғозий ўз вақтида «Ал-Қоида» лагерларидан бирида портловчи қурилмалар билан ишлаш бўйича тайёргарликдан ўтган. Ўзи ва икки шеригининг қочиб кетиши Филиппин ҳукуматини жиддий ташвишга солиб қўйди. Ҳукумат уларнинг боши учун икки юз минг АҚШ доллари миқдорида мукофот ҳам белгилади.

Қидирув ишлари АҚШ ва Австралия ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ўтказилди. Хусусан, Австралия ҳукумати Филиппинга аксилтеррор бўлинмаларни тайёргарликдан ўтказиш учун беш миллион АҚШ доллари ажратди.



Сўнгги хабарларга қараганда, қидирув муваффақиятли якунланган. Жиноятчилардан икки нафари қўлга олиш чоғида ўлдирилган. Ўтган якшанба куни эса ал-Ғозий ҳам ҳарбий хизматчилар билан тўқнашув чоғида ҳалок бўлди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, 18 октябр куни АҚШ президенти Жорж Буш Манилага ташриф буюради. Ташриф чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик билан бирга, халқаро террорчиликка қарши кураш масалалари ҳам муҳокама этилиши кутилмоқда.

(ЎзА)

Болалар спорти

БЎШ ВАҚТ

уни мароқли ўтказиш ҳар кимнинг ўз қўлида

Ёшларда жисмоний тарбияга меҳр-муҳаббат уйғотиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида касаба уюшма билан ҳамкорликда «Камалот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам фаол иштирок этмоқда. Асосий эътибор йигит-қизларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш, уларнинг соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган.

Болалар учун футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдончалари, кураш заллари барпо этилаяпти. Ижтимоий ҳаракатнинг Қарши шаҳар бўлими томонидан «Чармгар» маҳалласи ёшларига 513 минг сўмлик спорт кийимлари ва жиҳозлар тақдим этилди.

Шаҳар ва қишлоқларда, ўқув юртлари ва мактабларда спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Вилоят марказидаги «Насаф» уйингоҳида таэквандо бўйича уюштирилган республика биринчилигида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 500 нафардан ортиқ 9 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар қатнашдилар.

Қизиқарли беллашувларда қашқадарёлик ёш спортчилар ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олишди. Тенгқурлари ичида Шоҳрух Жамилов, Шаҳрўз Ражабов, Мафтуна Пирназарова, Баҳром Эркинов, Азиза Исматова, Луиза Мўминова, Аббос Ғаниев, Қувонч Раҳимовлар совриндорлар сафидан жой олишди.

Шаҳардаги «Динамо» ўйингоҳида 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида «Футболимиз келажаги» турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда Қарши шаҳри ва Яккабоғ тумани маҳаллалари ёшлари ғолибликни қўлга киритишди.

- Болалар спортини ёш гуруҳларига мувофиқ турли поғоналарда, аммо ягона тизим сифатида шакллантириш лозим, - дейди билан билан сухбатда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси Долли Аллаев. - Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб поғоналар ўртасида ворисийлик, давомийлик, узлуксизлик, оммавийлик каби тамойиллар қарор топтирилмоқда. Вилоятдаги барча манфаатдор ташкилотлар билан фаолиятимизни мувофиқлаштирган ҳолда иш олиб бораяпмиз.

Ҳаракатнинг Яккабоғ туман бўлими болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида талаба ёшлар ўртасида миллий кураш мусобақалар ташкил этди. Маҳалла ёшларининг баскетбол бўйича «Камолот» кубоги мусобақалари ҳам қизиқарли бўлди. Беллашувларда Муборак туманининг «Ёшлик» жамоаси ғолибликка эришди.

Кенгаш ташаббуси билан Китоб туманидаги Қабзахона, Нишон туманидаги Эски Нишон қишлоқлари, Касбидаги Алишер Навоий, Шароф Рашидов номли хўжаликлар, Қарши туманидаги «Ровот», Косондаги «Дўстлик» маҳаллаларида ҳашар йўли билан спорт майдончалари қурилди. Янгитдан 5 та спорт майдончаси барпо этилиб, 4 та иншоот қайтадан таъмирланди.

Саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Вилоятда курашчилар Рамз Қурбонов, Фахриддин Очилов, енгил атлетикачилар Бойқобил Исоқов, Анвар Турсунов, Фахриддин Муртозаев, волейболчи Жасур Саломов, стол тенниси бўйича спорт усталигига номзод Элнора Қурбонова, дзюдо бўйича мамлакат чемпиони Аббос Мардонов каби ёшлар вояга етганлиги, уларнинг издошлари тобора кўпайиб бораётганлиги бунинг тасдиғидир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

МЕҲМОНХОНАГА ҚЎЛЛАНМА

«Шератон Тошкент Хотел энд Тауэрс» меҳмонхонаси Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорлик боғлаган. Бу билим юрти ўқувчиларининг шу даргоҳда амалиёт машғулотларини олиб бориш имконини бермоқда.

Ҳозир ҳар ойда 10-15 нафар ўқувчи ўқув ишлаб чиқариш амалиётига жалб қилинмоқда. Ихтисослигини пухта эгаллаб ўқишни тугаллаган ёшлар меҳмонхонада ишлашга таклиф қилинмоқда. Малакали кўникма ҳосил қилиб, чет тилида мулоқот қилоладиган ёш мутахассислар эса меҳмонхона ресторанида официант бўлиб хизмат қилишади.

Ўзаро келишув шартномаси бўйича коллеж битирувчиларидан бир гуруҳи яқинда меҳмонхона жамоаси сафига қўшилди.

Касаба уюшма тадбири

ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ - ҲУЖУМ

Биз бундай гапларни катта футболда кўп эшитганмиз. Ҳар қанча маҳоратли бўлмасин, дарвозабон ва ҳимоячиларгагина суяниб ғалаба қозониш амримаҳол. Энг яхши ҳимоя - ҳужум, деб бежиз айтишмайди. Қолаверса, футбол авваламбор ҳужумкор ўйин ва дарвозаларга киритилган голлар туфайли жозибалидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши соврини учун куни кеча Тошкентдаги «Яккасарой» спорт мажмуида бошланган мини футбол бўйича турнирнинг илк учрашувлариданоқ жамоалар юқорида қайд этганимиз қоидага амал қилдилар. Буни биринчи турда киритилган тўплар сони ҳам тасдиқлайди. Ўтказилган олти учрашувда ўттиз уч марта томонлар ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур бўлдилар. Бошқача қилиб айтганда, бир ўйинда дарвозалар ўртача 5,5 марта ишғол қилинди.

Тўп думалоқ, майдон текис. Зеро, футболда ҳар нарса бўлиши мумкин. Лекин яна бир ҳақиқат бор: қайси жамоа яхши тайёргарлик кўрган бўлса ва бутун ўйин давомида астойдил ҳаракат қилса, ўша томонга омад кулиб боқади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Шубҳасиз, энг шиддатли баҳс СФП ва АПК жамоалари ўртасида кечди. Иштирокчилар футбол билан мунтазам равишда шуғулланиб турганлари учун ўйин ҳам шунга яраша шиддатли тус олди. Гарчанд баҳс ЎзКУФК жамоаси фойдасига 5:1 ҳисобида якун топган эсада, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси томонидан таклиф қилинган таркиб майдонда ўзини эркин тутди ва анчагина жипс жамоа эканлигини намойиш эта олди.

Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек, авиаходимлар ҳамда алоқачилардан иборат қўшма жамоа - КАС билан Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий қўмитаси шарафини ҳимоя қилган «Меҳнат» командалари ўртасидаги беллашув ҳам ғоят қизиқарли кечди. Мазкур ўйинда дарвозабонлар маҳорат кўрсатишди ва бу ҳужумларнинг самарадорлигига ўз таъсирини ўтказди, албатта. Буни ҳисоб ҳам кўрсатиб турибди – 1:3.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Автомобилчи -2» - «Локоматив» – 5:0, «Курувчи» - «Семурғ» – 4:1, «Курорт» – «Машинасоз» -2:6, ТЭК – «Устоз» – 8:1.

Кеча жамоалар иккинчи тур учрашувларини ўтказишди.

З.РИХСИЕВ

МУЗЕЙДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи экспонатларга жуда бой. Унда мамлакатимиз тарихига оид экспонатлар ҳам талайгина.

Эндиликда улар талаба ёшлар учун кўргазмали ўқув қуроллари бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети музей билан ҳамкорлик ўрнатиб, қатор машғулотларни республикамизнинг бош кўргазма даргоҳида ўтказишга киришди.

«Ўзбекистон тарихи», «Этнология», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти» мавзуларидаги суҳбатларда, айниқса, экспонатлар қўл келмоқда.

Факультет шу пайтгача «кўчма» дарсларни Давлат архиви, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Тарих институтида ўтказиб келаётган эди. Музей билан ҳамкорлик бундай имкониятни янада кенгайтириш имконини берди.

Ажойибот

Ўн уч-ўн тўрт асрлик тарихга эга Балиқли кўл мусулмон дунёсининг кўҳна зиёратгоҳларидан бири ҳисобланади. У Чортоқ тоғи этакларидаги сўлим манзилда жойлашган. Ана шундай ажойиб маскан шўролар даврида турли тавқи-лаънатларга дучор бўлди. Диний амаллар ўтказилиши тамомила тақиқланиб, қаровсиз қолдирилгани, оёғости қилингани етмагандек, жой номи ҳам бир неча бор ўзгартирилди.

БАЛИҚЛИ КЎЛ

Бугунги кунга келиб Балиқли кўлнинг асл мақоми тикланди. Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида бу ердаги Султон Увайс Қараний мақбараси ғоят кўркам, шарқона услубда қад ростлади. Кенг кўламдаги ободончилик ишлари амалга оширилди. Азим дарахтлар соя солиб турган кўл атрофида зиёратга келиб-кетувчилар учун барча қулайликларга эга дам олиш жойлари қурилди. Йўллар тартибга келтирилди. Чортоқликлар бу хайрли ва савобли ишга бош қўшган Бозорбой Ҳасанов, Алишер Муродов, Турсуной Жалолова, Абдуназар Абдумаматов, Исоқжон Исмоилов каби фидойи инсонлар номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади

Балиқли кўлда бўлган киши турфа рангда қайнаб чиқаётган сувларни кўриб ҳайратда қолади. Кўл билан боғлиқ ғаройиб ривоятлардан хабардор бўлади. Уларнинг барчаси авлиё Султон Увайс Қараний ва унинг онаси Бибинаимадан сўз очади.

Сутли булоқ она зиёратгоҳи Балиқли кўлдан ғарб томонда, бир ярим-икки километр масофадаги қадамжо. Бу ердаги тепаликда мўъжаз Сутли булоқ она (Бибинаима) мақбараси жойлашган. Мақбара пойида эса сут мисоли оппоқ булоқ суви оқади. Айтишларича, Оллоҳнинг севимли куни бўлмиш ҳар ҳафтанинг жумасида булоқ суви сут рангига кираркан. Шанба тонгидан эса яна асл ҳолига қайта бошларкан. Балиқли кўл мажмуидаги иккинчи мўъжиза муқаддас аталган балиқларнинг жума намозидан кейин зиёратчиларга кўриниш беришидир.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири



Бир ғазал шарҳи

МУШК ҲИДЛИҚ ЗУЛФУНГИЗ

Кўзларингиз оҳуни ҳар дам жигархун айлади,
Мушк ҳидлиқ зулфунгиз Лайлини Мажнун айлади,

Эй малоҳат мулкининг султони, аз эт ёрлиқа,
Қоматимни ул «алиф»тек қаддингиз «нун» айлади.

Мовароуннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима
Кўзларимнинг бири – Сайҳун, бири – Жайҳун айлади.

Кирпикинг новак ўқин бағримга уруб ҳар замон,
Фитна бирла қошларинг кўнглумни мафтун айлади.

Нийятим бор эрди – кезсам дунянинг мажмуини,
Кўр ани: даври фалак нетек дигаргун айлади.

Шукр, бори душманим билмас юзумнинг сориғин,
Қаҳрабо янглиғ энгимни ашк гулгун айлади.

Ишқ фанни барча фанлардин эрур назук, магар
Ишқингиз Саккоки(й)ни бу фанда зуфнун айлади.

XIV асрнинг иккинчи – XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган истеъдодли ўзбек шоири Саккокий Мирзо Улуғбекка бағишланган қасидаси билан ўзбек адабиётида машҳур. Шу билан бирга у ажойиб лирик шоир бўлиб, бизгача тўлиқ бўлмаган кичик бир девони қўлёзмаси етиб келган. У Атойи, Лутфий ва Гадоий каби туркий тилда қалам тебратган.

Саккокийнинг мазкур ғазали анъанавий мавзуда бўлиб, маъшуқа таърифига бағишланади. Мумтоз шеъриятда кенг тарқалган ташбеҳ ва тимсоллар ёрдамида маъшуқани васф этиш билан бошланган ғазал ошиқнинг аҳволи баёни билан ниҳоясига етади.

Кўзларингиз оҳуни ҳар дам жигархун айлади,
Мушк ҳидлиқ зулфунгиз Лайлини Мажнун айлади.

Маъшуқанинг кўзини оҳу кўзига нисбат бериш – мумтоз адабиётда кўп қўлланилган ташбеҳлардан: у, бир томондан, оҳунинг кўзига ўхшаса, иккинчи томондан, ундан бир неча марта гўзал. Шунинг учун ҳам оҳу бундан хижил тортади.

Албатта, ғазал тасаввуфий мазмунга ҳам эга. Аксинча, иккинчи мисрада: Сизнинг мушк ҳидли сочингиз Лайлини Мажнун айлади, – дейилмас эди. Шоирнинг маъшуқаси шунчалик гўзал, унинг сочидан шунчалик муаттар бўй тараладики, бу ҳид димоғига етса, гўзаллар шоҳи, маъшуқалар сарвари ҳам эс-ҳушидан ажралиб, кўйида Мажнунга айланади. Мисрани дунё гўзали ана шундай кучли муболаға билан васф этилган, деб ҳам талқин қилса бўлади. Лекин бир гўзалнинг иккинчисига ошиқ бўлиши кишини унча ишонтирмайди, чунки улар, аксинча, бир-биридан рашку ҳасад қилиши мумкин. Агарда уни илоҳий маҳбуба деб оладиган бўлсак, муаммога ҳожат қолмайди: ҳар қандай гўзал ҳам илоҳий гўзалликнинг бир зарраси, бинобарин, унинг ўз Яратувчисига кўнгил қўйиши, уни севиши табиий.

Эй малоҳат мулкининг султони, аз эт ёрлиқа,
Қоматимни ул «алиф»тек қаддингиз «нун» айлади.

Шаклан «алиф» – тўғри чизиқдай тик, «нун» қошдай қайрилма. Шунинг учун ҳам мумтоз шеъриятда маъшуқанинг тик қоматини «алиф»га, унинг ҳажрида эгилган ошиқ қаддини «нун»га нисбат берадилар. Бу ерда шоир шу ўхшашликдан фойдаланиб, «алиф» ҳарфидек тик қоматингиз ҳажрида қаддим «нун» ҳарфидек эгик бўлиб қолди, демоқда.

Мовароуннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима
Кўзларимнинг бири – Сайҳун, бири Жайҳун айлади.

Маълумки, Мовароуннаҳр – икки дарё оралиғи, дегани. Бундан шоир ўз ҳолатини ифодалаш учун бадиий ташбеҳ сифатида фойдаланади: ёр ҳажрида икки кўзимдан ёш оқа-оқа икки ёнимда икки дарё ҳосил бўлди – улардан бирини – Сайҳунга, иккинчисини – Жайҳунга ўхшатиш мумкин. Ўзим эса икки дарё оралиғидаги Мовароуннаҳрга ўхшайман.

Кирпикинг новак ўқин бағримга уруб ҳар замон,
Фитна бирла қошларинг кўнглумни мафтун айлади.

Мумтоз шеъриятда аслида қош – ёйга, киприк – ўққа ўхшатилади. Бу ерда шоир айтаяптики, киприкинг, яъни ўқинг бағримни яраласа ҳам, ёйинг, яъни қошинг ўзининг дилраболиги билан мени ошиқ қилишда давом этаверади. Атойи таъбири билан айтганда:

Севар ҳам жавру ҳам лутфин Атойи,
Чу хублардин неким келса, эрур хўб.

Кейинги байт:

Нийятим бор эрди – кезсам дунянинг мажмуини,
Кўр ани: даври фалак нетек дигаргун айлади.

Бу чархи фалак ҳамиша инсоннинг истагига тескари айланади, дунё бани одамнинг ниятини маҳв этишга интилади. Шунинг учун ҳам чархни – чархи кажрафтор, яъни тескари айланувчи чарх, даҳри дун – тубан дунё, дейдилар. Бу кажрафтор фалак дунёни кезиб чиқсам, деб орзу қилган шоирнинг ҳам ниятини ағдартўнтар қилиб ташлайди, уни ниятидан қайтишга, фикрини ўзгартиришга мажбур қилади.

Шукр, бори душманим билмас юзумнинг сориғин,
Қаҳрабо янглиғ энгимни ашк гулгун айлади.

Қаҳрабо – сариқ рангли тошча. Уни чармга суркаб, сомонга яқинлаштирсангиз, ўзига тортади. Мумтоз шеъриятда айрилиқ ғамида сарғайган заҳил юзни каҳрабога нисбат берадилар. Энг – юз, гулгун – қизил, ашк – кўз ёши демакдир. Яъни ошиқ ишқ йўлида тўкилган кўз ёшлар қаҳрабодай юзини гулгун айлаб, натижада юзини сарғишлигини душман сезмай қолганидан хурсанд.

Ишқ фанни барча фанлардин эрур назук, магар
Ишқингиз Саккоки(й)ни бу фанда зуфнун айлади.

Бу ерда «зуфнун» сўзи вазн тақозосига кўра «зуфнун» тарзида қисқартириб ёзилган бўлиб, илму ҳунар, кўплаб фазилатлар соҳиби, деган маънони билдиради.

Ушбу ғазал таҳлилидан кўринадики, Саккокий гўзал лирик шоир сифатида ҳам мумтоз адабиётимизда ўз ўрнига эга экан. Шоирнинг бадиий оламига кириб, образлар силсиласини кашф этиш ўқувчига беқиёс маънавий завқ бағишлаши шубҳасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Шифо маркази

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Мамлакатимизда спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун махсус муолажаларни йўлга қўйишга эътибор кучайтирилмоқда. Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институти бу борада кўпгина ибратли тиббий тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Илмий муассасада ихтисослаштирилган спорт травматологияси марказининг ташкил топиши айни муддао бўлди. У мамлакатимиз спорт федерациялари ва терма жамоалари учун шифо муассасасига айланди. Бу ерда спорт мусобақалари, жисмоний тарбия машғулотларида маълум сабаблар билан шикастланганларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

-Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу даргоҳ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси, Республика Олимпиада қўмитаси муассасаларини ўзаро боғловчи бўғин вазифасини адо этмоқда,- деди марказ раҳбари Темур Искандаров "Туркистон-пресс" мухбирига. - Айни вақтда биз шикастланган нуронийлар, шунингдек, бундай муолажага муҳтож бўлган фуқароларга ҳам ёрдам кўрсатяпмиз.

Т.Искандаровнинг таъкидлашича, Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институти билан алоқа туфайли ўқув курси машғулотлари йўлга қўйилди. Яқинда ўз фаолиятини бошлаган бу курс спорт шифокорлари, мураббийлари, услубчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари малакасини оширишга қаратилган бўлиб, орттирилаётган тажрибаларни оммалаштиришда муҳим тиббий-таълимий аҳамият касб этмоқда.

Сир-синоат

БАЛАНД ДАРАХТ

Аксарият ўсимликлар ҳар дақиқада 0,005 миллиметр ўсади. Қовоқ ўсиш тезлиги ҳар дақиқада 0,1 миллиметрни ташкил этса,айрим қўзиқоринлар 5 миллиметргача ўсади.

Дарахтлар ичида бамбукка тенг келадигани йўқ. У соатига 2 сантиметрга ўсиб, бешолти ҳафта ичида 18 метрга бўй чўзади. Лекин бўйи 38 метрга етгач у ўсишдан тўхтайди. Ялпи баландлиги бўйича Эквивалент ер юзида танҳодир. Унинг бўйи 255 метрга етиши мумкин.

Секвоя ҳам ундан қолишмайди – 150 метр. Бошқа дарахтлардан Араукария 60, Эман 50, Кедр 40, Қайин 30 метргача ўсиши мумкин.

ХАСТАЛАНАДИГАН ЎСИМЛИК

Ўсимликлар худди жониворлардек хасталаниши, ҳатто иситмалашини кўпчилик хаёлига ҳам келтирмаса керак. Жуда сезгир ўлчов асбоблари яратилгунча ўсимликларнинг ҳарорати атроф-теваракка боғлиқ дея ҳисобланарди.

Энди шу нарса аён бўлдики, хасталанган ўсимликлар ҳарорати соғлом шерикларига нисбатан юқорироқ бўлиб, ҳаво олиши ҳам тезроқ кечаркан.

А.АЛИЕВ

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ САБОҚЛАРИ

Вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ижодкор зиёлилар ва олимлар билан ўтказилган навбатдаги учрашувлар Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланди. Тадбирда буюк бобомиз асарларидаги иймон ва эътиқод, ҳалоллик ва поклик, Ватанга муҳаббат каби фазилатларни тарғиб қилувчи умумбашарий ғоялар тўғрисида маърузалар тингланди.

- Жойларда тажрибали тарғиботчиларимиз ўтказган суҳбатларда аллома асарлари ва ҳазратнинг қарашлари ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолингани йўқ,- деди «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Ортиқ Вафоев. - Шу кунларда Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида аллома юбилейи муносабати билан ниҳоясига етаётган кенг кўламдаги тайёргарлик - ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди. Тингловчиларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г— 916. 1 2 3 4 5